

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Ўзбекэкспертиза” АЖ
Кузатув кенгаши Раиси

_____ Бадалбоев Ш.А.

_____ “ ” _____ 2020й.



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**2021 йилга
БИЗНЕС – РЕЖА**

“Ўзбекэкспертиза” АЖ
Кузатув кенгаши томонидан
Тасдиқланган:
2020 йил 27 ноябрдаги 6/2020-сонли баённома.

Тошкент 2020й.

КИРИШ

Бизнес-режани ишлаб чиқиш мақсади:

Мазкур Бизнес-режани ишлаб чиқишдан мақсад эришилган кўрсаткичларни ошириш ва “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, ИСО 9001 халқаро стандартга мувофиқ бўлган МСТни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига корхонанинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, Жамият томонидан кўрсатилаётган хизматлар таннарҳи ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган харажатларни камайтириш, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг 2021 йилга Бизнес-режаси Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 06.05.2014 йилдаги №ЎРҚ-370 сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидагиларга асосланади:

– Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ижобий тенденцияси, авваломбор кичик ва ўрта бизнесга қулай шароит яратиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга;

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга;

– хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳисобига иш ҳажмини ошириш, “Ўзбекэкспертиза” АЖ бўлимлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг амал қилиш соҳасини кенгайтириш;

– жамият ва унинг ҳудудий шўъба корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, номонопол бўлган хизматларни янада ривожлантиришга;

– сертификатлаш бўйича TUV халқаро органи томонидан ИСО 9001 талабларига мувофиқлигига сертификатланган сифат менеджменти тизимини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларни амалга ошириш ҳисобига Жамият нуфузини оширишга;

– Жамиятнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмасини оптималлаштиришга;

– Хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига улар таннарҳини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган харажатларни камайтиришга;

– Жамият фаолиятини тубдан автоматлаштириш ва ахборотлаштириш, Жамият сайтида барча кўрсатилаётган хизматларга онлайн-буюртма қабул қилиш бўйича интернет порталнинг ишлаши ҳисобига буюртмачиларга максимал қулай шароит яратишга;

– Ахборот-коммуникация соҳасидаги ютуқларни Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнларига, Ўзбекистон Республикаси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулот экспорти билан боғлиқ бўлган опертив хизмат кўрсатишга тадбиқ этишга.

2021 йил ва ундан кейинги даврга мўлжалланган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, жорий харажатларни қоплаш, ижобий молиявий натижаларга эришиш ва корхонада ихтиёрида қолувчи ва акциядорларга белгиланган тартибда дивиденд тўлаш имконини берувчи **1 485,6 млн.** сўмга яқин соф даромад олиш имконини берувчи, хизмат сотишдан олинadиган зарурий даромадни таъминлаш шартидан келиб чиқиб белгиланган

“Ўзбекэкспертиза” АЖ фаолияти тўғрисида умумий маълумотлар

“Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик жамияти (“Ўзбекэкспертиза” АЖ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги №185 сон “2003-2004 йилларда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тузилмасидан чиқиш дастури тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг 2004 йил 30 январдаги №13-кПО буйруғи билан республика хўжалик ҳисобидаги “Ўзбекэкспертиза” бирлашмаси негизида ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси 06.05.2014 йилдаги №ЎРҚ-370 “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қайта номланган

Тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида – **«O’zbekekspertiza» aksiyadorlik jamiyati;**
- рус тилида – **Акционерное общество «Узбекэкспертиза»;**
- инглиз тилида – **«Uzbekexpertiza» joint stock company.**

Қисқартирилган расмий номи:

- ўзбек тилида – **«O’zbekekspertiza» AJ;**
- рус тилида – **АО «Узбекэкспертиза»;**
- инглиз тилида – **«Uzbekexpertiza» JSC.**

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Паркент кўчаси, 51, почта манзили: индекс 100007.

Телефон: (71) 230-23-60, факс: (71) 268-06-94

Банк реквизитлари: ИНН 201037628, ОКЭД 71200

Сўм счёти: Тошкент ш., «Ипотека банк» ИБАК Меҳнат ф-ли МФО 00423, р/с 20210000200126024001;

Валюта счёти: Тошкент ш. ЎзСҚБ ҳудудий бўлими, МФО 00424, р/с 20210840100126024002

“Ўзбекэкспертиза” АЖ – юридик шахс бўлиб, мустақил балансига эга ва ўз-ўзини молиялаштириш ва ўз-ўзини қоплаш тамойиллари асосида

фаолият юритади. Ўз фаолияти учун зарур бўлган ташқи савдо фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Уставга мувофиқ мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга.

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг устав фонди **2 589 587 880** сўмни ташкил этиб, бу номинал қиймати **1 622** сўм бўлган **1 596 540** дона акцияга тўғри келиб у қуйидагича тақсимланади:

- Жамият устав фондидаги давлат улуши акцияларнинг 51%;
- Меҳнат жамоасининг улуши – 12,8 %;
- Жамият акцияларининг 36,2 % эркин савдога жойлаштирилган.

Бунда эркин савдодаги акциялар тўлиқ жойлаштирилган :

- “Интеримпекс” ДАТСК - 10,8%;
- “Ўзпромаштипекс” ДАТСК - 6,5%;
- “Ўзмарказимпекс” ДАТСК – 6,4%;
- “Марказсаноатэкспорт” ДАТСК – 6,6%;
- “Ўрта Осиё Транс” ДАК ХАТ – 2,5% ва бошқалар.

Жамият раҳбарияти:

Бош директор: **Серикбаев Халдарбек Дуйсебаевич;**

Бош директор ўринбосари: **Григорьянц Артем Александрович.**

“Ўзбекэкспертиза” АЖ штатлар сони 94 киши бўлиб, улардан – 20 таси бошқарувчи персонал, 65 ишлаб чиқарувчи персонал, 9 таси техник ва хизмат кўрсатувчи персонал.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг барча ходимлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб, олий маълумотга эга.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ таркибига Тошкент шаҳридаги бош офис, «Аэропорт», «Сергели», “Арк Булоқ” ва Тошкент вилоятидаги «Акциз пости», «Олмалик», «Чирчиқ», «Бекобод», «Ангрен», «Назарбек» филиаллари киради. Шунингдек, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги мустақил юридик шахс бўлган 12 та хўжалик жамиятлари тузилган.

Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб, жамият қуйидагиларни бажаради:

1. Товарларнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича экспертиза қилиш ва сертификатлар расмийлаштириш;
2. Чет эл инвестицияли корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мулкка сертификатлар бериш.
3. ТИФ ТН га мувофиқ товарларни таснифлаш;

4. Товарларни миқдори ва сифати бўйича экспертиза қилиш;
5. Енгил, озиқ-овқат ва кимё саноати маҳсулотларини лаборатория текширувидан ўтказиш;
6. Товарлар мувофиқлигини сертификатлаш;
7. Ўтказиб берилган маҳсулотларни верификациялаш бўйича консалтинг хизматлари;
8. Товарларни ТИФ ТН га мувофиқ таснифлашга ўқитиш ва божхона ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлаш.

Молиявий-ҳўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини, меҳнат ва ижрочилик интизомини амалга оширишда барча таркибий бўлинмалар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши, шунингдек хизмат кўрсатишда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш бўйича зарурий чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг ташкилий тузилмаси

Жамият акционерларининг 25.06.2020 йилдаги умумий мажлисида тасдиқланган “Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг ташкилий тузилмасига мувофиқ “Ўзбекэкспертиза” АЖ таркибига функционал бўлинмалар, филиаллар, ҳудудий шўъба жамиятлар кирази (тузилма илова қилинади).

2021 йилда “Ўзбекэкспертиза” АЖ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи қатор чоралар ўтказиш кўзда тутилмоқда, хусусан:

- кўрсатилаётган хизмат турларининг кенгайтиши муносабати билан ишлаб чиқарувчи персонал сонини янгилаш;
- меҳнатни ташкил этиш шакллари такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш;
- жамиятнинг молиявий-ҳўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятларига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларни жорий этиш ҳисобига жамият персоналининг штат сонини оптималлаштириш (қисқартириш);
- мазкур бизнес-режа доирасида мақсадларга самарали эришишга кўмаклашувчи бошқа чора-тадбирлар.

“ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА” АЖ ИМИДЖИ

“Ўзбекэкспертиза” АЖ республика ҳудудида ташкил этилган, хизматларидан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, жумладан инвесторлар, экспортга йўналтирилган корхоналар, ташқи савдо операиялари билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес иштирокчилари, шунингдек хусусий шахслар фойдаланади.

Жамиятнинг йирик истеъмолчиларидан НТКМК, «Олмалиқ ТКК» АЖ,

«General Motors Powertrain Uzbekistan» ҚК АЖ, «Ўзметкомбинат» АПО, «Фотон» АЖ, «General Motors Uzbekistan» ҚК АЖ, «Ўзкабель» ҚК АЖ, «Бекободцемент» АЖ, «Ўзбекхиммаш» АЖ, «БФ Текстиль» ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ, «Тоштекстиль» ҚК, «Ўзкейссервис» ҚК, «Чирчиқ трансформатор заводи» ҚК АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ, «СТТ» ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ, «Престиж Текстил» ҚК, «Максам Чирчик» ҚК, "Alutex" ҚК МЧЖ, "O'zelektroapparat Electroshield" ҚК МЧЖ, "Тошкент лом, рангли метал чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" АЖ ИИ, "ASL OYNA" АЖ, "Артель" компаниялари гуруҳи, АО "Ohangaronsement", "Chirchiq Chemical Trade" МЧЖ, "Uztex Tashkent" МЧЖ, "Uz Korgaz" МЧЖ ҚК, "Nestle" МЧЖ ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг патент идораси томонидан рўйхатга олинган "Ўзбекэкспертиза" АЖ товар белгиси МДХ мамлакатлари, Европа Иттифақи, Осиё, Африка, Австралия ва Океания, Шимолий ва Жанубий америка давлатларида таниқли.

"Ўзбекэкспертиза" АЖ нинг мутасадди ходимлари имзолаган сертификатларни дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида тан олинади.

Жамият барқарор даромад олиш ва уни максималлаштиришдан манфаатдор бўлиб, бунга ишлаб чиқарилаётган хизматларни сотиш орқали эришади. Бунинг учун Жамият рақобат шароитида истеъмолчилар айнан "Ўзбекэкспертиза" АЖ хизматларини афзал кўришларига интилади. Жамият тижоратда барқарор муваффақиятга эришишда маълум даражада унинг ижобий имиджи катта аҳамиятга эга эканлигини тушунади.

Ижобий имиджни сақлаб туриш учун Жамият томонидан доимий баҳолаш ва унинг ташкил этувчиларини корректировкалаш чоралари кўрилади.

Жамият имиджи қуйидаги ташкил этувчилардан таркиб топган:

- Жамият имиджи хизмат истеъмолчилари назарида. Айнан шу ташкил этувчи имидж ижобийлигини (позитивлигини) белгилайди. Шу боис, мижоз хизмат сифати, кўрсатилган хизмат нархидан мамнун бўлиши учун, хизматларнинг барча мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнида катта эътибор қаратилади;

- Товар экспертизаси бўйича хизматлар кўрсатишда юқори натижаларгп эришиш.

"Ўзбекэкспертиза" АЖ нингбарча бўлимлари, филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятлари қуйидагидларни инобатга олган ва ижро учун қабул қилган:

- товарларнинг келиб чиқиши сертификатларини расмийлаштириш ва беришда экспортёрларга зарур ёрдамни максимал даражада тез ва самарали бериш;

- улар мурожаатларига вақтида эътибор бериш, хушмуомала бўлиш, муомала қилишда эътиборли ва чидамли бўлиш;

- буюртмачилар билан ишлашда ностандарт ва масъулиятли қарорларни тез қабул қилиш, зарур ҳолларда бош бошқарма мутахассисларини жалб қилган ҳолда, тегишли ишларда малакали ёрдам ва саводли маслаҳатлар бериш.

Бизнес-имидж, бизнес ҳамкорларнинг тадбиркорлик субъекти сифатида Жамият тўғрисидаги тасаввурларидан ташкил топади. Бизнес ҳамкорлар билан муносабатларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ишбилармонлик обрўси, ҳалоллик, ишончлилик, информацион очиқлик ва бизнеснинг ахлоқ нормаларига риоя қилишликни қабул қилишга кўмаклашувчи ўзаро муносабатлар шакллантирилади.

Ижтимоий имидж. Жамоатчилиқни Жамият фаолиятининг ҳомийлик, меценатлик, ижтимоий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, бандлик муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш, шунингдек ёрдамга мухтож конкрет шахсларга ёрдам кўрсатиш каби ижтимоий аспекти тўғрисида хабардор қилиш. Бу борада Жамият ногиронлар, меҳрибонлик уйлари, жамоат ҳомий ташкилотларига турли ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Ички имидж, ходимларнинг ўз корхоналари тўғрисидаги фикри билан белгиланади. персонал онгида касбга, жамоага меҳрни, жипслиқни тарбиялаш. Ички имиджнинг асосий мезонлари Жамият маданияти (персонални танлаш ва ўқитиш тизими, ходимлар меҳнатини баҳолашнинг қабул қилинган тизими, моддий рағбатлантириш тизими) ҳисобланади.

ФАОЛИЯТ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ

- Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш (товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза қилиш ва сертификатни расмийлаштириш) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ;

«товарларнинг келиб чиқиши сертификатлари товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш мақсадида расмийлатирилади ва олиб кириладиган мамлакат қонунчилигига мувофиқ имтиёзлар олиш учун қўлланиши мумкин.

Фаолиятнинг мазкур тури, келиб чиқишни сертификатлаш бўйича фаолиятни, жумладан экспортёрларни Европа Иттифоқининг электрон тизимида рўйхатдан ўтказишни регламентловчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.12.2019 йил №994 сон Қарори билан тасдиқланган “Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

- Чет эл инвестицияли корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мулкни сертификатлаш;

«Ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулкка сертификатларни расмийлаштириш ЎзР ВМ нинг 16.05.2011 йил №136 қарори билан тасдиқланган “Чет эл инвестицияли корхоналар томонидан ўз эҳтиёжи учун олиб кирилаётган мулкни аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ўтказилади.

ЎзР нинг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Боэҳона тарифлаи тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ЎзР Президентининг 25.12.2012 йил №343 Фармонига асосан чет эл инвестицияли корхоналарга рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб икки йил муддатга божхона имтиёзлари белгиланган бўлиб, бу экспертиза бўйича хизматларни амалга ошириш ҳажмининг ва чет эл инвестициялари корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирираётган мулкка сертификатлар берилишининг қисқаришига олиб келди».

- товарларни ЎзР ТИФ ТН га мувофиқ таснифлашни ўтказиш.

ЎзР ТИФ ТН га мувофиқ товарларни таснифлашни ўтказиш ЎзР божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлардан йиғимлар ва солиқлар ундиришни соддалаштириш, маҳсулотнинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишларни бажариш ва статистик ҳисоботни шакллантириш мақсадида қўлланади. Товарларни ТИФ ТН кодлари бўйича таснифлаш ВМ нинг 28.12.2017 йил даги қарори биланг амалга киритилган ва товарларни ифодалаш ва кодлашнинг уйғунлашган тизими тўғрисидаги халқаро Конвенция асосида ишлаб чиқилган “Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси”нинг 2017 йилдаги версияси асосида амалга оширилади.

2021 ЙИЛДА РИВОЖЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙўНАЛИШЛАРИ

Жамият бизнес жараёнларини автоматлаштириш

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг топшириғини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.04.2019 йилдаги №ПҚ-4297 сонли “Хориж бозорларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни экспортёрларга тақдим этиш учун Ягона ахборот тизими”ни модернизациялаш бўйича амалий чоралар режаси” Қарорини) бажариш мақсадида ишлаб турган ахборот тизимлари негизда Жамиятнинг ягона ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур тизим Жамият ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан кўрсатилаётган барча хизматларни, молиявий ҳисоб ва ҳужжат айланмасини ўз ичига олади, шунингдек бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграцияланиш имконига эга.

Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи 2019 йилнинг декабрида старт олиб, унга мувофиқ қонунчиликка мувофиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш тўғрисидаги шартнома имзоланди, ушбу тизимни ишга тушириш ва бузилмай ишлаши учун умумий қиймати 712 млн сўм бўлган

ахборот дастурли таъминоти, серверлар ва бошқа қўшимча ускуналар сотиб олинди ва ҳозирги вақтда тизим синовдан ўтказилмоқда.

Иккинчи босқичда, 2021 йилда, мазкур тизимни Жамиятнинг ҳудудий бўлимларига тадбиқ этиш режалаштирилмоқда ва бу тадбирларга 500 млн сўм ажратиш режалаштирилган.

Жамиятнинг бизнес жараёнларини автоматлаштириш таннарҳни ва кўрсатилаётган хизматлар вақтини анча қисқартиради.

Мувофиқликни баҳолаш ва лаборатор текширувлар бўйича хизматларни ривожлантириш ва жорий этиш

Жорий йилда озиқ-авқат, енгил ва кимё саноати товарларини лаборатория синовларидан ўтказиш учун Жамият синов комплексини аккредитациялаш жараёни ўтказилди.

2021 йилда импорт, экспорт қилинувчи ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро, давлатлараро, миллий стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари талабларига, шунингдек олди-сотди шартномаларнинг нома ва шартларига мувофиқлигини мажбурий ва ихтиёрий баҳолаш бўйича ишларни ўтказиш учун озиқ-овқат, кимё ва қурилиш маҳсулотларини сертификатлаш бўйича органларнинг аккредитация соҳасини кенгайтириш.

Шу билан бирга синов комплексини қўшимча таъмирлаш ва модернизациялаш, уни янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек кейигчалик аккредитация соҳасини кенгайтириш учун амалдаги стандарт талабларига мувофиқ лаборатория ходимлари ва ички ҳужжатларни тайёрлаш, "Ўзбекэкспертиза" АЖ нинг ҳудудий шўъба жамиятлари негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синовдан ўтказиш учун лабораториялар тузиш режалаштирилмоқда.

Келгусида Жамият томонидан озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларининг **мувофиқлигини баҳолаш бўйича халқаро органлардан аккредитация олиш** режалаштирилмоқда.

Маҳсулотларни таркибидаги нитратлар, заҳарли кимёвий моддалар, сунъий озуқа қўшимчалар, микотоксинлар, гормонлар, антибиотиклар ва шу кабилар миқдорининг хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш учун аккредитация соҳасини янада кенгайтириш мақадида Тошкен шаҳрида ва келажакда республика ҳудудларида қўшимча равишда қуйидагиларни ташкил этиш талаб қилинади:

- кимё ва элементар таҳлил лабораториялари;
- микробиология лабораториялари;
- хроматография ва ГМО бўлимлари.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғонада мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари, лабораторияларни кенгайтириш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек экспресс-таҳлилларни ўтказиш учун мобил

лабораториялар сотиб олиш, қўшимча персонални жалб қилиш ва персонални илғор хорижий лабораторияларни ўқитиш учун **инвестициялар, имтиёзли грантлар ёки кредитлар** кўринишидаги маблағларни жалб этиш ҳисобига қўшимча молиялаштириш зарур.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ маъмурий биносининг ишлатилмайдиган қисмини капитал таъмирлаш

“Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг Тошкент ш. Паркент кўчаси 51 уйда жойлашган маъмурий биноси ЎзР Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 31.03.2004 йилдаги №1834 сон давлат орлери асосида давлат реестрида мулкчилик ҳуқуқи билан № 9-46/15 рақам билан рўйхатга олинган. **Бинонинг тўлиқ қиймати “Ўзбекэкспертиза” АЖ устав фондига кириб, у 1 596 540 та акцияга бўлинган, акционерларнинг умумий сони 299 юридик ва жисмоний шахслардан иборат.**

Маъмурий бинонинг параметрлари: бино баландлиги 13.65 м, узунлиги 77.8м, эни 15.7 м, ички баландлиги 2.48м, умумий майдони 4906кв.м.

*ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2001 йил №30-ф фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 15.02.2001 йил №65 қарорига мувофиқ Тошкент ш. Паркент кўчаси 51 уйда жойлашган 4 қаватли бино “Ўзбекэкспертиза” АЖ балансига **авария ҳолатида** ўтказилган.*

2001 йилдан, кейинчалик капитализациялаш билан, Жамият томонидан бинонинг ишлатилмайдиган аврия ҳолатидаги қисмини мустаҳкамлаш, бинонинг фасади ва томини таъмирлаш ишлари амалга оширилди, шунингдек бинога хизмат кўрсатиш, техник текширув ва мажбурий солиқлар билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаражатлар белгиланган тартибда амалга оширилди.

Врачлар малакасини ишириш Институтини ва соғлиқни сақлаш Вазирлигини томонидан жамиятнинг бутун биноси ва атрофидаги ҳудудини ВМОИ балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги қарор лойиҳалари бир неча бор тайёрланди.

Жамият акциядорларининг 2019 йил 30 июндаги навбатдаги мажлиси қарорига асосан бинонинг ишлатилмаётган қисмини ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига белгиланган тартибда асосланган тармоқли график асосида таъмирлашнинг зарурий чораларини кўриш кўзда тутилган.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ “Фарғонаэкспертиза” ХШЖ МЧЖ билан (жамиятнинг аффирланган шахси) белгиланган тартибда “Ўзбекэкспертиза” АЖ нинг 4 қаватли маъмурий биносининг ишлатилмаётган қисмини капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга шартнома тузишга қарор қилинди.

ЕРСМ-пудрат Шартномаси лойиҳаси ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўтказилган экспертизасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигида белгиланган тартибда битимнинг қиймати 3285 421 минг сўмни ташкил этади.

Молиялаштириш манбалари

Маъмурий бинони капитал ва жорий таъмирлашга кетадиган ҳаражат қиймати 3.2млрд сўмдан кам эмас.

Бу мақсадларга қуйидаги молиявий маблағлар белгиланган:

- 2018, 2019 йиллар якуни бўйича соф даромад ҳисобидан бўлиб, у устав фондига капитализациялаш билан ривожланишга йўналтирилган 878 465,9 минг сўм;
- 2020 йил соф даромад бир қисмини (прогноз қилинаётган 2 500,0 млн сўм) 25% ёки 625 млн сўмни ажратиш ҳисобига;
- 2021 йилнинг жорий ҳаражатларидан ўз маблағлари ҳисобига 1 400 млн сўм, бу маблағлар 2021 йилга бизнес-режа лойиҳасига киритилади, 2020 йилга нисбатан соф даромад ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши шарт билан, жумладан янги хизматларни жорий этиш ҳисобига;
- банк кредити кўринишидаги заем маблағлар – 300 млн сўм ҳисобига. Ипотека Банк АКИБ, Меҳнат филиали билан музокара ўтказилиб, улар республикадаги минимал фоиз ставкаси билан сўралаётган суммадаги кредитни беришга тайёрлигини билдирди (таҳминан ойига 15 млн сўм). Кредитни тўлаш ҳам 2021 йилга бизнес-режанинг ҳаражатлар қисмида инобатга олинади.

Акциядорларнинг 19.10.2020 йилдаги навбатдан ташқари умумий мажлисида қарор қилинди:

- “Ўзбекэкспертиза” ШХК МЧЖ билан маъмурий бинонинг ишлатилмаётган қисмини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича 3 285 421 минг сўмни йирик битимни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш маъқуллансин.

Жамиятнинг синов комплексига: бинони реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга оширишда молиявий маблағларнинг рационал ишлатилиши, ҳамда Бизнес-режанинг асосий параметрларининг сўзсиз бажарилиши ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ва соф даромад 2020 йилга нисбатан, жумладан янги хизматларни жорий этиш ҳисобига ўсиши, устидан назоратни ўрнатсин.

Товарларнинг келиб чиқшини сертификталаш процедурасидаги қисман ўзгаришлар

2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб Европа Иттифоқи мамлакатлари доирасида, бенефициар-мамлакатлар томонидан товарларнинг преференциал келиб чиқшини тасдиқлаш учун берилган А шаклдаги сертификатлар GSPдоирасида, жумладан Ўзбекистонда, қабул қилинмайди. Товарларнинг преференциал келиб чиқishi REX тизимида рўйхатдан ўтган

экспортёр томонидан инвойсда тасдиқланади (ўз-ўзини сертификатлаш тамойили).

Шу сабабли, ЕИ мамлакатларига жўнатилаётган товар экспортёрларининг ўз ўзини сертификатлашга ўтиши муносабати билан Жамият томонидан товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш бўйича хизматлар ҳажмининг камайиши кутилмоқда.

Бунда Жамият REX тизимида рўйхатдан ўтадиган экспортёрлар учун товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича баҳоловчи экспертизани ўтказиш режалаштирилмоқда, бу мазкур хизматларни сотиш ҳажмининг камайишини қисман компенсациялайди.

Европа иттифоқининг солиқлар ва божхона бўйича бош директор делегациясининг Ўзбекистонга (2020 йил февраль) ташрифи давомида “Ўзбекэкспертиза” АЖ томонидан товарларнинг преференциал келиб чиқишини сертификатлаш, жумладан ўз ўзини сертификатлашга ўтиш соҳасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди ва GSP доирасида преференциал келиб чиқиш учун ЕИ регламентларининг барча талабларига жавоб бериши тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон преференциялар базовий Бош тизими (GSP) дан фойдаланмоқда, унга мувофиқ мамлакат ЕИ га 3000 дан ортиқ товар позицияларини божхона божларисиз ва 3200 товар позициясини – камайтирилган ставкалар бўйича экспорт қилиши мумкин. “GSP+” га киргач, Ўзбекистон 6244 товар позициясига божсиз экспорт қилишга рухсат олади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан “GSP+” преференцияларини олиш учун зарур бўлган барча 27 та конвенция ратификация қилинган. Европа томонига кўриб чиқиш учун дастлабки саволлар рўйхатига тегишли жавоблар юборилган.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ

Умумий қоидалар

Хизматларнинг асосий турлари бўйича рақобат кураш даврида, кўрсатилаётган хизматлар сифатига профессионал ёндашиш сабабли, Жамият ташқари иқтисодий фаолият хизматлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Йирик корхона ва компаниялар, ўрта ва кичик бизнес билан ҳамкорлик Жамият зиммасига катта масъулият юклайди.

Асосий эътибор сифат менеджменти ва уни такомиллаштиришга, яъни кўрсатилаётган хизматлар сифати, истеъмолчилар қониққанлигига қаратилган.

2005 йилда Жамиятнинг сифат менеджменти тизими TUV (Германия) халқаро сертификатлаш органи томонидан ISO 9001 стандарт талабларига мувофиқлигига сертифициланган. Ҳар йил белгиланган тартибда халқаро аудиторлар томонидан адит, жумладан ҳар уч йилда ресертификацион аудит ўтказилади.

2021 йилда сифат менеджментининг ресертификацион аудитини ўтказиш кўзда тутилган.

2021 йилда сифат соҳасида асосий вазифалар:

- жамият фаолиятининг барча йўналишлари бўйича тизимли ишни ташкил этиш;
- жамиятнинг сифат менеджменти тизимини ИСО 9001 талабларига мувофиқ узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- бозор талаблари ва бизнес ривожини ҳисобга олган ҳолда хизматлар номенклатурасини кенгайтириш;
- хизматларнинг қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда бажарилишини таъминлаш;
- истеъмолчилар талабларини қондириш, Жамиятнинг юқори ишбилармонлик обрўсига эришиш;
- истеъмолчилар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш.

Персонал фаолиятини мотивациялаш

Мотивация — иш сифати ва натижаларини ошириш калити

Ҳозирги вақтда персонални самарали бошқариш Жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланди. Ходимлар, уларнинг билимлари, кўникма ва тажрибаси ташкилот самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтиришнинг асосий манбаидир. Рақобат юқори бўлган шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими персоналнинг компетентлиги, ходимлар томонидан жамиятни ривожлантириш учун зарур бўлган вазифаларнинг сифатли ва вақтида бажарилишига асосланиб, юқори рақобат шароитида замонавий талабларга мослашган. Ҳар бир раҳбар ходим унинг хизматлари ва муваффақиятлари объектив баҳоланишига муҳтож эканлигини унутмаслиги керак.

Персонални мотивациялашнинг асосий тамойили меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимлар меҳнати натижавийлиги ва сифатини баҳолаш асосида уни дифференциациялаш. Режалаштирилаётган йилда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ишчиларнинг индивидуал қобилияти, якуний натижага ҳар бирининг қўшган ҳиссаси, жамоа ишининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Бу йўналишдаги иш Жамоа шартномаси, ички интизом Қоидалари ва “Ўзбекэкспертиза”АЖ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом талабларига асосланади.

Асосий йўналишлар қуйидагилар:

- жамият ходимларининг профессионал даражасини оширишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш;
- шахсни ҳурмат қилиш асосида бўлимларда қулай ишчан муҳитни ривожлантириш.

- персоналнинг хизмат сифатини таъминлаш ва яхшилашда иштирок этишини мотивациялаш;
- ходимларнинг меҳнат натижаларидан қониқишини ошириш;
- ходимларни танлаш қоидалари ва нормалари воситасида бошқариш;
- раҳбар ва персонал ўртасида ишонч ўрнатиш;
- ходимлар уюшганлигини ўрнатиш;
- меҳнат ва ишчан муносабатлар натижалари учун шахсий жавобгарлик;
- шахснинг намоён бўлиши учун шароитлар;

ПЕРСОНАЛ БИЛАН ИШЛАШ

Умумий қоидалар

Режалаштирилаётган йилда бўлимларни кенг дунёқараш, эрудиция, юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган, шунингдек Жамиятда команда ва корпоратив маданият руҳини шакллантира оладиган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш персонал билан ишлашнинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

“Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамиятида меҳнат шартномаси амал қилиб, унда томонлар жавобгарлиги янада конкретлаштирилган ва кенгайтирилган.

“Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти лавозимларининг тасдиқланган Квалификацион талабларига мувофиқ лавозим мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган кўникмалар, малака, ҳулқий характеристикалари инobatга олинган ҳолда, ишчининг профессионал тайёрланганлик даражаси белгиланади.

Лавозимларнинг тасдиқланган Квалификацион талаблари асосида, шунингдек бўлим зиммасига юклатилган функцияларни бажариш учун ҳар бир бўлим ва ходим учун шахсий жавобгарликни таъминлашни кучайтириш мақсадида, ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарликлар мувозанатини ўрнатиш учун “Таркибий бўлинмаларнинг бўлимлари тўғрисидаги Низом” ва Жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларида лавозим йўриқномалари янгиланди.

Ташкилот ходимлари унинг олдига қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун ўз салоҳиятларини қанчалик муваффақиятли қўлласа, яъни қўйилган мақсадларга қанчалик муваффақиятли эришилса, персонални бошқариш шунчалик самарали бўлади.

Ишга қабул қилиш

Персонални ишга қабул қилишдан асосий мақсад Жамият бўлинмаларини рақобатбардош хизматлар, жумладан ўзлаштирилаётган хизматларни кўрсатиш учун билим ва қобилиятга эга бўлган, малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Қабул қилишни “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамиятида ишга танлов асосида қабул қилиш тартиби”га мувофиқ танлов асосида амалга

ошириш режалаштирилмоқда. Вакант лавозимга номзодларнинг профессионал ва шахсий хислатлари лавозимнинг Квалификацион талабларига жавоб бериши керак. Ишга қабул қилишда номзод учун ўзини ривожлантириш қобилияти, команда бўлиб ишлаш кўникмаларининг мавжудлиги, мосланувчанлик ва мустақил таълим олишга интилиш белгилорчи аҳамиятга эга.

Танловнинг янги усули бўлиб, жамият бош офиси барча таркибий бўлимлари бошлиқлари билан суҳбат ўтказиш усулини қўллаш билан, номзоднинг билим ва дунёқарашини баҳолашни жорий этиш ҳисобланади.

Персонални ривожлантириш ва ўқитиш

Режалаштирилаётган йилда ўқитишдан асосий мақсад ишчилар малакасининг жорий вазифалар мураккаблиги ва ҳажмига мувофиқ бўлиши, ҳам Жамиятнинг истиқболли ривожланишини таъминлаш. Мақсадга қуйида ўтказиладиган ўқитиш ёрдамида эришилади:

- бўлимларда;
- “Ўзстандарт” Агентлиги тизимида;
- “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамиятининг кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказида;
- бошқа ўқув марказларида.

Ўз тажрибасини бериш Жамиятнинг муваффақиятга эришишида муҳим бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир раҳбар малакали ходимларнинг устози бўлиши ва ўзи эга бўлган барча билимларни ходимларига бериши керак. Жамият бўлиб ишлаш ва самарали раҳбарлик қилиш кўникмалари, меёр ва қадриятларни жамоа бўлиб хис этиш Жамият бўлинмаларида ўқитиш бўйича барча тадбирларнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади. Персонал малакасини Жамиятнинг ўқув маркази доирасида малакасини ошириш бўйича ишларни кучайтириш, ўқув курслари мазмунини вақтида долзарблаштиришни ва ўқитиш натижаларига сифатини баҳолашни таъминлаш зарур.

Жамият мутахассисларининг профессионал билимларини оширишни таъминлаш учун, 2021 йилда “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти ходимлари малакасини ошириш Дастурига мувофиқ Жамият ва ШХЖ ходимлари учун товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш, преференциал товарларни сертификатлаш, ТИФ ТН га мувофиқ товарларни таснифлаш бўйича камида 2 та ўқув курси, шунингдек “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти ШХЖ раҳбарлари учун семинар ўтказиш режалаштирилган.

Шу билан бирга Жамият хизматларини регламентловчи норматив-ҳуқуқий базадаги ўзгартиришларга мувофиқ, шунингдек янги қабул қилинган ходимларни белгиланган тартибда ўқитиш зарурати туғилганда, ўқув машғулотларини ўтказиш кўзда тутилган.

Жамият томонидан шунингдек, белгиланган тартибда фаолияти йўналиши бўйича ходимларни “Ўзстандарт” Агентлиги қошидаги НИИ СМС

да ўтказиладиган, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитацияланган мувофиқликни баҳолаш бўйича (мувофиқликни сертификатлаш, махсулот синовини ўтказиш, юкловолди инспекцияси) органлар томонидан амалга ошириладиган ўқитиш таъминланади.

Ишлаб чиқариш маданияти ва этикасини ривожлантириш

Жамиятнинг ишлаб чиқариш маданияти ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдамга, очиқлик ва ишончга таянади. Персонални ёллаш ва баҳолашда ходим томониан Жамият қадриятлари ва маданиятини қабул қилиш факти ҳал қилувчи аҳамиятга эга, айниқса қуйидаги йўналишларда:

- шахсни сўзсиз ҳурмат қилган ҳолда жамоа бўлиб ишлаш;
- доимий ўзгаришларга тайёрлик;
- Жамиятга нисбатан холислик;

Жамоа қадриятлари, эътиқод ва маъқулланган ҳулқ атвор меёрларини янада ривожлантириш доирасида режалаштирилаётган йилда асосий эътибор жамоаларда қадриятларни муҳокама қилиш ва уларни барча тоифадаги персонал учун меёр сифатида ички ҳужжатларда қайд этишни ташкил қилишга қаратилган

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ишлаб чиқариш мақсад ва стратегияси

2021 йилда ишлаб чиқаришнинг мақсади қуйидагилар:

- **10 651,2 млн.сўм** миқдорда хизматлар ҳажмини таъминловчи, прогноз режага мувофиқ хизмат кўрсатиш. Кўрсатилган ҳажмларни таъминлаш учун қуйидаги харажатлар зарур:

- ишлаб ишлаб чиқариш таннарҳи **6 163,2 млн.сўм** атропофида;
- Давр харажатлари **4 144,9 млн сўм** миқдорда.
- **1 485,6 млн сўм** миқдорда соф даромад олиш.

2021 йил да ишлаб чиқариш стратегияси қуйидагича:

- бозор талабларига жавоб берувчи хизматларни кўрсатишга йўналганлик;

- хизматларнинг бозорда талаб ўзгаришларига жавоб берувчи янги турларини ўзлаштириш.

Ишлаб чиқариш мақсадларига эришига қуйидагилар кўмаклашади:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ижобий тенденцияси, ўрта ва кичик бизнес учун қулай шароит яратиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш;

- Инвестицион Дастурни, ишлаб чиқаришни модернизация ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш якунлари бўйича корхоналар экспорт салоҳиятининг ўсиши.

Хизматлар ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш воситалари

2021 йилда ишлаб чиқариш олдига қўйилган мақсадларга қуйидаги воситалар ёрдамида эришиш режалаштирилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси товар айланмасининг умумий ўсиши муносабати билан хизматлар ҳажмини ошириш;
- “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти бўлинмалари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг янги турларини келгусида ўзлаштириш билан иш ҳажмини ошириш;
- ИСО 9001 талабларига мувофиқликка TUV сертификация бўйича халқаро орган томонидан сертификатланган сифат менеджменти тизимини қўллаб қувватлаш ва такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш орқали Жамият имиджини кўтариш;
- меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш;
- вақтида ва сифатли хизмат кўрсатганлик учун моддий рағбатлантириш учулларини қўллаш.

ТЕХНИК РЕЖА

Техник режанинг мақсадлари ва стратегияси

2021 йилга техник режанинг мақсадлари қуйидагича:

- синов комплекси аккредитация соҳасини кенгайтириш учун синовларнинг янги усулларини ўзлаштириш бўйича техник тадбирлар ҳисобига рақобатбардошликни ошириш;
- ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларини тадбиқ этиш;
- хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш.

2021 йилга техник режа стратегияси қуйидагича:

- ресурс тежамкорлиги;
- ИСО 9001 СМТ қўллаш ва такомиллаштириш.

Техник режа мақсадларига эришиш воситалари

2021 йилга қўйилган техник режа мақсадларига Жамиятнинг ўз молиявий маблағлари ва даромадлари, шунингдек синов комплекси ва мувофиқликни сертификатлаш аккредитация соҳасини кенгайтириш имконини берувчи, тегишли ускуналарни сотиб олишни кўзда тутувчи, Синов комплексини модернизациялаш ҳисобига эришиш белгиланган. Бу ўз навбатида кўрсатилаётган хизматлар номенклатурасининг кенгайишига, ва бинобарин хизматларни сотиш ҳажми ва Жамият даромадининг ўсишига олиб келади.

2016-2022 йилларда “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамиятини ривожлантиришнинг тасдиқланган Стратегиясига мувофиқ, шунингдек Жамият фаолиятини тубдан автоматлаштириш ва ахборотлаштириш, буюртмачиларга максимал қулай шароит яратиш, хизмат кўрсатиш

опертивлигини ошириш мақсадида Жамият сайтида Жамият томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг барча турларига онлайн буюртма қабул қилиш бўйича интернет портал ишга туширилган ва муваффақият билан ишламоқда ва унда зарур бўлган ҳужжатларни бириктириш ва буюртмачилар томонидан буюртмаларнинг бажарилиш жараёнини кузатиб бориш имкони мавжуд. 2021 йилда “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамиятининг барча филиаллари ва ШХЖ ни VPN каналлар ва интернет алоқа орқали мазкур тизимга улаш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йил №176 Қарорига мувофиқ Жамият сайтида 2021 йилда, белгиланган тартибда “Акциядорлик жамиятларнинг корпоратив веб-сайтларига талаблар тўғрисида”ги Низомнинг 3 бандига мувофиқ жамиятнинг корпоратив веб-сайтида мажбурий жойлаштирилиши лозим бўлган зарур ахборотни ўз вақтида ва мунтазам равишда жойлаштириб бориш режалаштирилмоқда.

“Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти хизматлари истеъмолчиқларининг хабардорлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда Жамият сайти контентини ўз вақтида долзарблаштириш бўйича ишлар олиб борилади, веб-сайт дизайни тўлиқ янгиланди ва уч тилда (давлат тили, рус ва инглиз тилларда) контентни тўлдириш амалга оширилмоқда.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА

Ташкилий режа мақсадлари ва стратегияси

2021 йилга ташкилий режанинг мақсадлари қуйидагилар:

- корхонани бошқарувини ўзгариб бораётган ташқи ва ички шароитларга мослаштириш;
- корхона раҳбарлари, мутахассислари ва ишчиларининг мустаҳкам жамоасини шакллантириш.

2021 йилга ташкилий режанинг стратегияси қуйидагича:

- ташкилий тузилма ва бошқарув функцияларини оптималлаштириш, уларни аниқ регламентлаш;
- ИСО 9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сертификатланган сифат менеджменти тизимини қўллаш ва ривожлантириш;
- рақобатчиларга нисбатан корхонада хизмат кўрсатиш сифат даражасини кўтариш.

Ташкилий режа мақсадларига эришиш воситалари

Ташкилий режа томонидан 2021 йилга белгиланган мақсадларга қуйидаги воситалар ёрдамида эришиш режалаштирилмоқда:

- бошқарувнинг замонавий ташкилий ва техник усулларини тадбиқ этиш, жараён натижавийлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- синов муддати билан ёллаш тизимини қўллаш;
- кадрларни ҳисобга олишни автоматлаштириш;
- электрон хужжат айланмасини жорий этиш;
- персонал иши самарадорлигини баҳолаш;
- персонал мотивациясини ошириш;
- бўлинмалар, персонал фаолиятини ва бизнес-режани регламентловчи корпоратив хужжатлар тизимини такомиллаштириш.

Тарихий ахборотнинг молиявий таҳлили

Корхонанинг ривожланиш тенденциясини аниқлаш учун ўтказиладиган молиявий ҳолатни баҳолаш ўз ичига текширилаётган даврда бухгалтерия баланслари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва баҳоланаётган корхонанинг қўшимча маълумотлари ва қатор асосий молиявий коэффицентлар ва кўрсаткичларнинг ҳисобини олади. таҳлилни ўтказишдан мақсад – Жамиятнинг ўтмишдаги ривожлаништенденциясини аниқлаш, бугунги ҳолатини баҳолаш, келгусида ривожланишини асослаш, Жамиятнинг ишчан ва молиявий хатарлари даражасини аниқлаш.

Жамиятнинг аниқ бир санадаги молиявий ҳолатини аниқлаш шу санага қадар бўлган даврда компания молиявий ресурсларни қанчалик тўғри бошқарганлиги, мулкдан қандай фойдаланганлиги, бу мулкнинг таркиби қандайлиги, ўзининг ва заём манбалардан қанчалик оқилона фойдаланганлиги, ўз капиталидан қанчалик самарали фойдаланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳиятининг қайтарилиши қандайлиги, кредиторлар, дебиторлар, бюджет ва ҳ.к. лар билан муносабатлар оптималлаштирилганми шуларни аниқлаш имконини беради.

Молиявий ҳолатни комплекс баҳолаш

Корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини комплекс баҳолаш учун молиявий таҳлилда қабул қилинган корхоналарни инвестицион жозибадорлиги бўйича таснифлаш қўлланган.

Биринчи гуруҳ- Корхона юқори рентабелликка эга ва молиявий барқарор. Корхонанинг тўлов лаёқатлиги шубҳа уйғотмайди. Молиявий ва ишлаб чиқариш менеджментининг сифати юқори. Корхона келгусида ривожланишда катта имкониятларга эга.

Иккинчи гуруҳ- Корхонанинг тўлов лаёқатлиги ва молиявий барқарорлиги умуман қониқарли даражада. Корхона даромад даражаси қониқарли бўлсада, айрим кўрсаткичлари тавсия этилган қийматдан паст. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур Корхона махсулотга бўлган бозор талабларининг ўзгариши ва молиявий-хўжалик фаолиятининг бошқа омилларига етарлича бароқарор эмас. Корхона билан ишлашда яхшилаб ўйлаб кўрилган ҳолда ёндашиш керак.

Учинчи гуруҳ- Корхона молиявий жиҳатдан беқарор, у паст рентабелликка эга бўлиб, бу тўлов лаёқатини етарлича даражада ушлаб туриш учун етарли эмас. Одатда бундай Корхона муддати ўтиб кетган

қарздорликка эга. Корхонани инқироздан чиқариш учун унинг молиявий-хўжалик фаолиятида катта ўзгаришларни амалга ошириш керак. Корхонага инвестиция қилиш катта хатар билан боғлиқ.

Тўртинчи гуруҳ- Корхона чуқур молиявий инқирозда. Кредиторлик қарздорлиги катта, у ўз мажбуриятлари бўйича тўлашга қодир эмас. Корхонанинг молиявий барқарорлиги деярли йўқ. Ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичининг қиймати аҳволнинг яхшиланишига умид бағишламайди. Корхона инқироzi даражаси шу қадар каттаки, хатто молиявий-хўжалик фаолияттида катта ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам, вазиятнинг яхшиланиш эҳтимоли катта эмас.

Юқорида келтирилган гуруҳларнинг ҳар бири молиявий кўрсаткичларнинг ўз меёрий қийматларига эга ва бинобарин Корхона кўрсаткичлари санаб ўтилган интервалларнинг бирига тўғри келади.

Шундай қилиб, корхона инвестицион жозибадорликнинг иккинчи гуруҳига тўғри келади. Корхонанинг тўлов лаёқати ва молиявий барқарорлиги умуман қониқарли даражада. Корхонанинг даромад даражаси қониқарли, гарчи айрим кўрсаткичлар тавсия этилган қийматдан паст. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Корхона бозордаги хизматга бўлган талабларнинг ўзгариши ва молиявий-хўжалик фаолиятнинг бошқа омилларига етарлича барқарор эмас. Корхона билан ишлашда яхшилаб ўйлаб ёндашиш керак.

SWOT таҳлил илова қилинади.

МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Молиявий режанинг мақсадлари ва стратегияси

2021 йилга молиявий режанинг мақсадлари қуйидагилар:

- соф даромад олиш – **1 485,6** млн.сўм;
- 2020 йилга нисбатан хизматлар ҳажмининг кутилаётган ўсиши ўртача **143,6** %;
- Муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарздорликка йўл қўймаслик.

2021 йилга молиявий режа стратегияси:

- Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;
- Нарҳ шакллантириш тизимини такомиллаштириш;
- Жамият кўрсатаётган хизматлар таннарҳи ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган харажатларни камайтириш;
- Хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш.

Молиявий режа мақсадларига эришиш воситалари

Молиявий режада белгиланадиган мақсадларга қуйидаги воситалар ёрдамида эришилади:

- “Ўзбекэкспертиза” АЖ да хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш ҳисобига иш ҳажмини кўпайтириш,;

- Хизматлар доирасини кенгайтириш ва янги мижозларни жалб қилиш.

Молиявий режани амалга оширишга қуйидагилар кўмаклашади:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ижобий тенденцияси, авваломбор кичик ва ўрта бизнесга қулай шароит яратиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга;
- Инвестицион Дастурни амалга ошириш ҳисобига корхоналарнинг экспорт салоҳиятининг ортиши;
- Жамиятнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятнинг нарх сиёсатининг мунтазам иқтисодий таҳлилини ўтказиш.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жамиятнинг монопол ва номонопол хизматлар бўйича нарх шакллантириш сиёсатининг асосий стратегияси ҳаракатларнинг хизматлар истеъмоли билан мувофиқлик, босиқлик, ўта катта даромадларга йўл қўймаслик, дифференциация ва диверсификация тамойилларини қўллаган ҳолда, шунингдек ЎзР Президенти қарорлари ва бошқа ҳукумат ҳужжатларида кўзда тутилган истеъмол нархларнинг прогноз индексини ҳисобга олиб, хизматлар рақобатига йўналтирилганлик.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йил №207 “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва у билан тасдиқланган давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низомнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда акциядорлик жамияти ва ижрочи орган фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларининг мунтазам мониторингини ўтказиб бориш режалаштирилмоқда.

РАҚОБАТ

Жамиятнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи асосий рақобатчилари:

- ЎзРФА микробиология Институти қошидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш бўйича Орган, Тошкент ш.;
- “Ўзстандарт” Агентлиги қошидаги “YzTest”ДУК;
- “Маҳсулот сифати маркази” МЧЖ қошидаги СО Тошкент шаҳри;
- “Мустақил сертификат маркази” МЧЖ қошидаги сертификатлаш органи;
- “Tib-Standart Servis” МЧЖ қошидаги сертификатлаш Органи Тошкент шаҳри;
- “Ўзстандарт” Агентлиги қошидаги “YzTest”ДУК Олмалиқ ҳудудий сертификатлаш органи Олмалиқ шаҳри;
- ЎзР ССП қошидаги “Палата экспорт” УК, Тошкент ш.;

- “Ташэкспертиза” МЧЖ Тошкент ш.;
- мувофиқликни сертификатлаш ва лаборатория синовлари соҳасида 70 дае зиёд корхоналар.

Хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, сифатини ошириш, ижро муддатларини қисқартириш мувофиқликни баҳолаш, товарларни ТИФ ТН кодлари бўйича таснифлаш, миқдор ва сифатини аниқлаш Бошқармалари, Жамият филиаллари олдида қўйилган устувор вазифа. Кўрсатилаётган хизматлар сифати, аккредитация соҳасини кенгайтириш бўлинмаларни ривожлантириш негизига қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва енгил саноат товарлари каби экспорт қилинаётган товарларни мувофиқликка сертификатлаш хизматида талаб ортиб бормоқда.

Раҳбарият томонидан юқловди инспекцияси бўйича хизматларни жорий этиш ва “Ўзбекэкспертиза” АЖ Синов комплексининг аккредитация соҳасини кенгайтириш, шунингдек ҳудудий хўжалик жамиятлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш ҳисобига хизматлар ҳажмини ошириш вазифаси қўйилмоқда.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ шўъба хўжалик корхоналари билан ишлаш бўйича чора-тадбирлар

Жамият мунтазам равишда “Ўзбекэкспертиза АЖ ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий фаолияти ҳолати ва ташкилий тузилмасини такомиллаштиришнинг мониторингини олиб боради.

Аввалги йилларда қабул қилинган режадаги мажбуриятларни бажариш мақсадида ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарнинг иқтисодий, ташкилий ва молиявий фаолиятини яхшилаш бўйича катта иш олиб борилди.

Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар раҳбарлари билан ҳисобот давр учун Бизнес-режа параметрларининг бажарилиши масаласи, ЎЗР қонунчилигига риоя қилиниши, меҳнат ва ижрочилимк интизомларини мустаҳкамлаш ва бошқалар борасида мажлислар ўтказилди.

Жамият акциядорлари умумий мажлиси билан 24.04.2019 йилда тасдиқланган “Ўзбекэкспертиза” АЖ ни 2018-2022 йилларда ривожлантириш Стратегиясини бажариш, ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш, замонавий менеджментни жорий этиш, молиявий барқарорлик ва рентабелликни ошириш, замонавий технологиялар ва умумий қабул қилинган халқаро амалиёт асосида бошқаришнинг илғор усулларини тадбиқ этиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида 2021 йилда “Ўзбекэкспертиза АЖ нинг ҳудудий шўъба хўжалик корхоналари молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини белгиланган тартибда жойларга чиқиб комплекс таҳлилни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бизнес-режалар ишлаб чиқиш, маркетинг, юкларни божхонада расмийлаштириш (деларациялаш) бўйича хизматлар бозоридаги Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси вилоятларига нисбатан рақобат муҳитнинг ривожланиш даражасини инобатга олиб, кейинги йилларда

хизматлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича асосий кучни ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарда хизматларнинг янги турларини жорий этишга қаратиш режалаштирилмоқда.

Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини мониторинг қилиш мақсадида 2021 йилда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

1. Йилнинг ҳар чорагида ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар раҳбарлари билан Бизнес-режанинг асосий параметрларини бажариш бўйича улар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалри бўйича йиғилиш ўтказиш.

2. Келиб тушган буюртмаларни ва корхона экспертлари орасида ишларнинг рационал тақсимланишини ахборот-таҳлилий ўрганишни (ҳар ой).

3. Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарнинг ҳисоб счетлари бўйича пул маблағлари ҳаракатланишини таҳлил ва назорат қилиш (ҳар ой).

4. Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналарнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган оргтехника (компьютерлар, принтерлар ва ҳ.к.) билан таъминлаш ва жиҳозлаш.

5. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ЎзР норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиш, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашнинг стратегик вазифаларини ечишга қаратилган турли тадбирларни ўтказиш.

6. Берилган келиб чиқиш сертификатларининг UzExpert верификация тизимига киритилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар кун мониторинг қилиш.

7. Хизмат сотишнинг “Ягона дарча” тамойили бўйича механизминини жорий этиш ва такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш.

8. Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар персонали сонини оптималлаштириш.

9. Ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар ходимлари малакасини ошириш мақсадида “Ўзбекэкспертиза АЖ ўқув маркази негизида кўрсатилаётган хизматлар бўйича мунтазам равишда ўқув курсларини ташкил этиш.

9. “Ўзбекэкспертиза АЖ ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг комплекс таҳлили қуйидаги мақсадда ўтказилади:

а) кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

б) ҳудудий шўъба хўжалик корхоналар раҳбарларининг уларга ишониб топширилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти натижалари учун жавобгарлигини ошириш;

в) шўъба корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш.

10. “Ўзбекэкспертиза АЖ нинг шўъба хўжалик корхоналарининг амалдаги ташкилий тузилмасини оптималлаштириш.

“Ўзбекэкспертиза АЖ нинг умумлаштирилган SWOT- таҳлили

Strengths Ички муҳитнинг ижобий таъсири	Weaknesses Ички муҳитнинг салбий таъсири
